

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2018  
апрель

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

## Аниқ ва табиий фанлар

## МАТЕМАТИКА

## Х.ҚОСИМОВ, Б.ТИЛЛАБАЕВ

Аралаш каср тартибли интеграллар ва ҳосилалар ..... 5

## ФИЗИКА, ТЕХНИКА

## Д.ЮСУПОВА

“Кейс-стади” методини физика фанига қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ..... 12

## КИМЁ

## М.НУРМАТОВА, С.РАШИДОВА, Д.РАШИДОВА

Пектиннинг полиметаллокомплексларини пахта уруғларининг ўсиши ва ривожланишига таъсири ..... 17

## М.ИМОМОВА, Б.АБДУҒАНИЕВ

Мотор мойлари таҳлилиниң тақомиллашган усуллари ..... 20

## Н.ТЎЛАКОВ, И.АСҖАРОВ, Ю.ИСАЕВ

1`-(п-оксифенил)ферроценкарбон кислота синтези ..... 28

## БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

## М.ШЕРМАТОВ, Э.БОТИРОВ

Анжир парвонаси (*Choreutis nemorana* Hb.)нинг биологияси ..... 32

## Ижтимоий-туманинтар фанлар

## ИҚТИСОДИЁТ

## Д.ҚУДБИЕВ, А.ТОШПЎЛАТОВ

Ишчи кучи баҳоси, даромад солиғи ва бандликнинг долзарб масалалари ..... 35

## М.АБДУРАХМОНОВА, Б.ТОЛИБОВ

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёsatнинг асосий йўналишлари ..... 38

## ТАРИХ

## У.МЕЛИҚЎЗИЕВ, С.ЮЛДАШЕВ

Сипоҳсолор Бақр Фарғоний ..... 43

## Н.ҲАМАЕВ

“Туркистон” ва “Қизил байроқ” газеталари - Фарғонада шўро тузумига қарши қуролли ҳаракат тарихига оид манба сифатида ..... 46

## А.НИШОНОВ

Султон Сайдхон ҳукмронлиги даврида Фарғона водийси ..... 50

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

## И.АРЗИМАТОВА, Б.РАХМОНОВ

Фуқаролик жамияти шароитида шахсни эстетик тарбиялаш масалалари ..... 53

## Ф.ЮЛДАШЕВ

Жамиятда ёшлар фаоллигини юксалтиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ..... 56

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

## Д.ҚУРОНОВ

Драматик асар композицияси ..... 59

## С.РАФИДДИНОВ, И.МАННОПОВ

Ўзбек мумтоз адабиётида ҳикматнавислик анъанаси ..... 66

## Б.МУХТОРАЛИЕВ

Болалар ички олами талқинида фольклорнинг ўрни (А.Обиджоннинг “Кезаргон бойчечак” қиссаси мисолида) ..... 69

УДК: 93/99 (093) + 930,1 (09) + 002.5

## “ТУРКИСТОН” ВА “ҚИЗИЛ БАЙРОҚ” ГАЗЕТАЛАРИ ФАРГОНАДА ШЎРО ТУЗУМИГА ҚАРШИ ҚУРОЛЛИ ҲАРАКАТ ТАРИХИГА ОИД МАНБА СИФАТИДА

Н.Ҳамаев

### Аннотация

Мақолада “Туркистон” ва “Қизил байроқ” газеталарининг Фарғонада XX асрнинг 20-30-йилларида шўро тузумимига қарши кўтарилган қуролли ҳаракат тарихига оид манба сифатидаги аҳамияти кўриб чиқилади.

### Аннотация

В статье рассматривается значение газет «Туркистон» и «Кизил байрок» как источник истории вооруженного движения против советского режима в Фергане в 20-30-х годах XX века.

### Annotation

In the article the newspapers "Turkiston" and "Qizil Bayroq" as an important source on the history of the armed movement against the Soviet regime in the 20-30s of the XX century in Ferghana are considered.

**Калим сўз ва изборалар:** Фарғона водийси, “босмачилик”, даврий матбуот, қўрбоши, тарихшунослик, манбашунослик, манба, тарихий манба, “Красная Фергана”, “Туркистон”

**Ключевые слова и выражения:** Ферганская долина, “басмачество”, периодическая печать, курбashi, историография, источниковедение, источник, исторический источник, “Туркистон”

**Keywords and expressions:** Fergana valley, “basmachies movement”, periodical press, kurbashi, historiography, source study, source, historical source, “Krasnaya Ferghana”, “Turkiston”.

Юртимиз миллый мустақилликни қўлга киритгандан кейин тарихимизни ҳаққоний, холисона ёритиш, унинг номаълум саҳифаларини тўғри талқин қилиб, кенг ўқувчилар оммасига етказиш имкони туғилди. Истиқпол йилларида “тарих фани ўзининг қонуний вазифасини бажара бошлади…, тарихнинг миллат учун руҳий озуқа эканлиги, ҳаққоний тарихни тиклаш зарурати давлат сиёсати даражасига” кўтарилди [1]. Тарихни бирламчи манбалар асосида яратиш, уни холисона талқин этиш, баҳс ва мунозаралар асосида тарихий ҳақиқатни тиклаш долзарб вазифа этиб белгиланди [2]. Тарихчи олимларнинг ўтган йиллар давомида олиб борган тадқиқотлари натижасида юртимиз мустақиллиги учун курашган, бу йўлда ўз жонини фидо қилган боболаримизнинг кечмиши, фаолияти ва тақдирни ўрганилди. Хусусан, совет тарихшунослигига “босмачилик” деб аталган истиқболчилик ҳаракатининг вужудга келиши, ривожланиши, ниҳоясига етиши, ўлгадаги қўрбошилар фаолиятини тадқиқ этиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, Фарғонадаги совет режимига қарши қуролли ҳаракат тарихи сабиқ иттифоқ даврида жуда кўп ўрганилган мавзулардан бири эди. Лекин совет даврида ҳукмрон бўлган коммунистик мафкура

туфайли, бу қуролли кураш бир тўда одамларнинг аксилиниқилобий ҳаракати ёки “босмачилик” деб баҳоланган ва бир томонлама ўрганилган тарихий муаммо мустақил Ўзбекистон тарихшунослигига ҳам долзарб масала сифатида ўрганилмоқда. Бу борада ўтказилган тадқиқотларнинг аксарияти архив ҳужжатлари, эсадаликлар ва сабиқ шўролар даврида яратилган адабиётларни танқидий руҳда тадқиқ этиш асосида яратилган илмий ишлар ҳисобланади [3].

Ушбу кураш тарихини турли илмий адабиёт, манба ва архив ҳужжатлари билан бир қаторда вақтли матбуот материаллари асосида ўрганиш ҳам муҳимдир. Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, ўша давр вақтли матбуоти саҳифаларида Фарғонадаги шўро тузумига қарши қуролли ҳаракат тарихига доир кўп материаллар чоп этилган. Уларнинг ичидаги Фарғонада бу ҳаракатнинг вужудга келиши ва ривожланиб бориши билан боғлиқ бўлгандарни аксариятни ташкил этади.

Совет даври матбуоти ҳам мазкур ҳаракатни мунтазам равишда ёритган манба сифатида муҳим аҳамиятга эга. Совет даври вақтли матбуоти ҳаракат тарихини у бошланган даврданоқ ўз саҳифаларида акс эттириб, унинг сабаблари, ривожланиши, географик чегаралари ва бошқа омилларни ёритиб борди.

Н.Ҳамаев – ФарДУ тарих кафедраси катта ўқитувчisi

## ТАРИХ

Ўша давр газеталари саҳифаларидағи материаллардан кўринадики, совет ҳукумати истиқтолчилик ҳаракатига қарши қуролли кураш олиб бориш билан бирга матбуот орқали ҳам “хужум”лар уюштирган. Айниқса, истиқпол ҳаракатининг 1920-1924-йиллар мобайнидаги ҳаритаси матбуотда жуда аниқ ва тўлиқ акс эттирилади. Шўро ҳукумати “босмачилик”ни тугатиш учун сиёсий ўйинларни ийғиштириб, қурол кучи ва зўрлик билан ҳаракат қилиш тўғрисидаги қатъий қарорга келиш [8.199] баробарида, матбуот орқали маҳаллий халқни ва “босмачи”ларни ўз томонига оғдириш учун турли хийланайрангларни қўллади.

1920 йилнинг май ойидан бошлаб янги паллага кўтарилиган истиқтолчилик ҳаракати сентябрга келиб ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилиди [8.195]. Шундай вазиятда совет ҳукумати “босмачилар” сафини бузиш ва таъсирини камайтириш мақсадида сиёсий ён беришга ўтди. Совет матбуоти эса истиқтолчиларнинг енгила бошлагани ва шўро ҳокимиятининг бу борадаги ғалабалари ҳақида тинимсиз ёза бошлади. Бу борада “Қизил байроқ” газетасининг 1922 йил 22 март сонида Нурмат исмли шахс томонидан ёзилган “Босмачилик юқумли касаллик” [9] номли мақола диққатга сазовордир. Бу мақола Россия ва Туркистон Марказий Ижроқўмларининг Фарғона водийсида ҳаракат қилаётган “босмачи”лар ва уларнинг кўрбошиларига қилинган даъватномани ўзида акс эттиради. Даъватномада асосан истиқтолчилар ва қўрбошилар ҳаракатининг “нотўғри” эканлиги таъкидланиб, 1922 йилгача халқ бошига тушган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга истиқтолчилар айбор деб кўрсатилади.

Большевиклар истиқтолчиларни динни ниқоб қилиб олиб, халқни алдаганликда айбладилар. Улар “...Босмачилар ким эдики, улар исломиятни мудофаа қилади. Уламо ошналаримиз ҳам буни очиқ тушуниб, биз томонга ўта бошладилар” [10] сингари хабарларни тарқатадилар.

Истиқтолчилик ҳаракатини бартараф этиш мақсадида советлар уларга қарши ҳарбий ҳаракатларни кучайтириш билан бирга улар билан тенг музокаралар олиб боришини йўлга қўйдилар. Дастрлаб бу музокараларга Фарғона водийсидаги энг йирик қўрбошилар тортилди. “Қизил байроқ” газетаси саҳифаларида Шермуҳаммадбек

билан 1921 йилда олиб борилган музокаралар акс эттирилган. Газетада ёзилишича, Шермуҳаммадбек совет ҳукуматидан ўлкага миллий-маданий мухторият бериш билан бир қаторда шариатга риоя қилиш, мустақил қозилар сайлаш, озиқ-овқат развёрсткасини бекор қилиш [7] кабиларни қатъий талаб қилган. Бу талабга совет ҳукумати номидан музокараага киришган Назир Тўракулов шундай жавоб берган: “Шўро ҳукумати ҳеч қачон бурунғи турмушни бирданига йўқ қилиб ташламайди. Айниқса, дин масаласида ҳар кимга кенг хуррият берадир. Фақат мутаассиб муллаларнинг халқни ёв қилишиға қўймайдир. Бизнинг Қуръонимиз ҳам шундай қарайдир. Динда зўрлик йўқ. Фақир, ўртаҳол дехқонларнинг мол-мулклари ўз қўлларида қолди. Фақат бойлар, қулоқларнинг молларигина олинди. Фабрика, завод ва банклар ҳукумат мулки бўлурға тегишидир. Мана ўшаларни қайтариб беришни талаб қилувчилар – золимларни манфаатини кузатувчилардир” [9]. Советлар вакилининг бундай позицияси Шермуҳаммадбекка ёқмайди ва музокараларни тўхтатиб, залдан чиқиб кетади.

Кейинчалик совет ҳукумати яна музокараларни йўлга қўйишга ҳаракат қиласди. Бу галги музокаралар 1922 йил 2 сентябрда Марғилон уезди Қува станциясидан 7 чақирим узоқлиқда жойлашган Шертепа қишлоғида бўлиб ўтди. Унда Туркистон МИҚ номидан Н.Тўракулов ва истиқтолчилар номидан Шермуҳаммадбек қатнашдилар. Бу музокарада Шермуҳаммадбек совет делегацияси олдига қуйидаги талабларни қўйди:

- ✓ миллий-маданий мухторият бериш;
- ✓ дин, шариатга риоя қилиш;
- ✓ умумий мажбурий, аскарий хизматга олишни тугатиш;
- ✓ хусусий мулкни эътироф қилиш;
- ✓ давлат томонидан олинган мулкларни қайтариб бериш;
- ✓ олдинги амалларни тиклаш, қози судловини жорий қилиш [12].

Бундай талаблардан ташқари Шермуҳаммадбек бевосита халқнинг ўзига ҳам мурожаатлар билан чиқсан. Совет матбуоти бунга қуйидагича шарҳ берган: “Кўршермат халқға қилган хитобномасида “Халқни талағон босмачиларға шариат

бўйинча жазо бериш керак” дер экан, ул вақтда биринчи навбатда босмачиларнинг бошлиғи Кўршерматнинг ўзига жазо бериш керак” [4]. Кўриниб турибдики, бир томондан совет ҳокимияти истиқполчилар билан яраш битими тузишга интилса-да, иккинчи томондан уларни жазолаш ниятидан ҳам воз кечмаган.

Матбуот саҳифаларида эълон қилинган “Кўрбошилар билсунларким, ўзлари чин кўнгулдан, тоза имон билан ҳукуматга берилиб, тинч меҳнат қилишға ўтсалар, юз минглаб одамларнинг тинчлантиришга сабаб бўладилар”, [5;6;11;12;13] каби даъватлар аста-секинлик билан ўз кучини кўрсатди. Большевиклар музокаралар олиб бориш ва умумий авф эълон қилиш йўли билан истиқполчиларнинг катта қисмининг тинч меҳнатга қайтишига эришди.

Вақтли матбуотдан истиқполчилик ҳаракатининг ривожланиб бориши, айrim қўрбошиларнинг қандай ва қаерда ҳаракат қилгани, ким эканлиги ва қайси касб эгаси бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни ҳам олиш мумкин. Хусусан, даврий матбуот саҳифаларида Фарғона вилоятида фаолият кўрсатган Мулла Қоратой тўра Келдихўжа ўғли (Андижон районида), Абдураҳмон (Ўш районида), Тиниқул (Гулжа районида), Даврон, Ботирбек, Жўра (Андижон, Жалолобод районида), Ҳалимбек (Хўқанд районида), Умарали, Ганибой (Марғилон уездидан) ва Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатган Баҳром қўрбоши (Самарқанд). Мулла Эшон (Каттакўргон районида), Бойқул (Хўжанд районида) [13] кабилар ҳақида маълумотлар келтирилган.

“Қизил байроқ” газетаси истиқполчилик ҳаракатига объектив баҳо бермайди. Бу матбуот органи барча ижтимоий муаммоларга истиқполчиларни айбор, деб ҳисоблади. Аммо бундан қатъий назар, газета саҳифаларида чоп этилган кўплаб маълумотлар ўзининг оригиналлиги ва фактик маълумотларга бойлиги билан ажralиб туради.

Газета саҳифаларида эълон қилинган материаллар истиқполчилик ҳаракати туфайли Фарғонада ҳалқ хўжалиги аянчли ахволга тушиб қолганлиги қайд этилади: “Фарғона музофотида 1917 йилдан бери босмачилар ҳаракати давом этадир. Фарғонанинг кўп қисми култепага айланди. Юртнинг хўжалиғи барбод қилинди. Фарғона

завод-фабрикалари тўхтади. Ҳозир Фарғона ҳалқи ишсизлиқдан оч-яланғоч ҳолда нон тилаб юрадир” [5].

Ўша давр матбуотида чоп этилган материаллардан шу нарса аниқ бўлдики, матбуот истиқполчилик ҳаракатининг энг зийрак кузатувчиси бўлган. Ва унинг ҳар бир қадамини ўзида акс эттиришга ҳаракат қилган. Лекин бу материалларнинг барчаси большевистик тузум ғоялари билан суғорилган, бир томонлама қарашлардан иборат. Айнан XX аср 20-йиллари матбуоти саҳифаларида истиқполчилик ҳаракати “эски идора меросларидан бири бўлғон - босмачилиқ ҳаракати”, деб эътироф этила бошланди. Бу даврда эълон қилинган мақолаларда истиқполчилик ҳаракатига “Хўқанд муҳторияти эълон қилинғон вақтда бошланиб олти йил давом қилиб келадир. Фақат ҳозирғи босмачилар ҳаракатнинг ундан бир ярим йил аввалғи ҳаракатдан бутунлай бошқа эканлигини аниқ” [6] деб, анча тўғри таъриф берилади. Ҳақиқатан ҳам, ҳаракат давом этган 1920-22-йилларда истиқполчилар билан бирга бутун водий аҳолиси катта талофатлар берди. Бу каби йўқотишларнинг сабабини совет вақтли матбуоти бошқача талқин қилди. Газета саҳифаларида ўлкада совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлидаги қизил армия томонидан амалга оширилган хунрезликлар Совет давлатининг катта ғалабаси, деб баҳоланди. Айниқса, Фарғонада арман дошноқларининг қуролсизлантирилиши ҳамда истиқполчиларнинг энг нуфузли қўрбошиларидан Муҳаммад Аминбек ва бошқаларнинг сафдан чиқарилиши қизил армиянинг эски тузум тарафдорлари устидан қозонган порлоқ зафари қабилида талқин этилди.

XX асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йиллари бошларига келиб, бутун Туркистон ўлкасида совет ҳокимияти ўрнатилиб бўлган эди. Совет ҳокимияти бу даврда истиқполчилик ҳаракатини деярли енгиг бўлди. Гарчи бу ҳаракат 1935 йилгача давом этган бўлса-да, унинг сиёсий ҳаритаси матбуотда деярли ёритилмади. Фақатгина ўлканинг айrim ҳудудларида кўзга кўринган кураш ҳаракатлари бўлсагина “босмачилик” ҳаракати эсга олинди, холос.

Хулоса тарзида айтиш мумкинки, истиқполчилик ҳаракатининг сўнгги палласида матбуот унга анча совуқонлик

## ТАРИХ

билин қаради. Матбуот саҳифаларида асосан совет ҳокимиятининг амалга оширган ислоҳотлариға кенг жой ажратилди. Истиқполчилик харакатига матбуотнинг “беэътиборлиги”нинг иккинчи сабаби қилиб,

истиқполчиларнинг ғоявий раҳнамолари (жадидлар) ва йирик қўрбошиларнинг кўпчилигини мамлакат ҳудудидан муҳожирликка чиқиб кетиши эди, деб кўрсатиш мумкин.

### Адабиётлар:

1. И. А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т., 1998.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори // “Ўзбекистон овози” газетаси. -1998 йил, 28 июль.
3. Д.А.Алимова, А.А.Голованов. Узбекистан в 1917-1990 годы: противоборство идей и идеологии. –Т., 2002; К.К.Ражабов. Фарғона водийисидаги истиқполчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 йй.). – Т.: Yangi nashr, 2015; К.К.Ражабов. «Истиқполчилик ҳаракати» в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1924 гг.). Автореф. дис... канд. ист. наук. –Т., 1995; К.К.Ражабов. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг.) Автореф. дис... док. ист. наук. –Т., 2005; К.Ражабов. Теоретико-методологическая основа изучения истории вооруженного движения в Туркестане в 1918-1935 гг. // Россия-Узбекистан: история и современность. Часть 2. Журнал «ЕвроАзия». Июнь 2008. № 3.; Р.Шамсутдинов. Ўзбекистон тарихидан материаллар. З-китоб. – Андижон, 2005; Ҳ.Қулиев Мустабид жамиятнинг иқтисодий пойдеворини шакллантириш (1917-1924). –Т., 1996; Н.Норжигитова. “Босмачилик ҳаракати” ва унинг совет тузуми давридаги тарихий адабиётларда ёритилиши. –Т., 1996.
4. “Туркистан” газетаси. -1923 йил, 26 август.
5. “Туркистан” газетаси. -1923 йил, 10 июнь.
6. “Туркистан” газетаси. -1923 йил, 1 июль.
7. “Туркистан” газетаси. -1923 йил, 15 июль.
8. Ўзбекистоннинг янги тарихи: Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. -Т., 2000.
9. “Қизил байроқ” газетаси. -1922йил, 22 март.
10. “Қизил байроқ” газетаси. -1922 йил, 13 август.
11. “Қизил байроқ” газетаси. -1922 йил, 22 март.
12. “Қизил байроқ” газетаси. -1922 йил, 15 сентябрь.
13. “Қизил байроқ” газетаси. -1922 йил, 14 июнь.

(Тақризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).